O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UYCHI TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 3 - dekabr 699-6-86-Q/22 Uychi tuman hokimligi

Уйчи туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисида.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6, 25-моддаларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш" Қоидаларининг 5, 57-бандларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Уйчи туман Боғ МФЙнинг 2022 йил 22 ноябрдаги 19-сонли тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Уйчи туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи этиб Уйчи деҳқон бозори ҳудудидаги бўш жойлар белгилансин.

3. Уйчи туманида дам олиш куни ярмаркалари ҳафтанинг якшанба кунлари соат 08:00 дан 16:00 га қадар ташкил этилади.

4. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринлари бепул берилсин.

5. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат этилсин.

6. Уйчи туман давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар дам олиш куни ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Ушбу қарор "Уйчинома" газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайти (uychi24.uz)га жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга

киради.

9. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 25.11.2022 йил кунги 688-6-86-Q/22-сонли қарори бекор қилинсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Нурматов зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Sh.Musayev**